



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом цивилизацияси I Халқаро форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом Оллоҳшукур Пошшо-зодани қабул қилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Оллоҳшукур Пошшо-зодани мусулмон дунёси илм-фанига қўшаётган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг «Эл-юрт ҳурмати» орденини топишди.

Тафсилотлар билан
батафсил танишиш учун
қуйидаги ҳаволага ўтинг:





Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом цивилизацияси I Халқаро форумида иштирок этиш учун юрти-мизга келган Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Маликни қабул қилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти халқимизнинг бой маданий меросини кенг оммалаштиришга қўшган шахсий ҳиссаси учун Салим ал-Маликни юксак мукофот – «Дўстлик» ордени билан тақдирлади.

Тафсилотлар билан
батафсил танишиш учун
қуйидаги ҳаволага ўтинг:



Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясида
куну тун фаолият
кўрсатадиган

1211

рақамли
«Ишонч
телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган
хотин-қизлар ўз
муаммолари бўйича
исталган вақтда
мурожаат қилишлари
мумкин.

**ЖССТ МАРКАЗИЙ
ОСИЁНИ ЖАЗИРАМА
ХАВФИДАН
ОГОҲЛАНТИРЯПТИ**

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН
ISHONCH.UZ GA ЎТИНГ:



**ГАЗ, КОРРУПЦИЯ
ВА ТРИЛЛИОНЛАБ
ЗАРАР. СОҲА ҚАЧОН
ЎНГЛАНАДИ?**

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН
ISHONCH.UZ GA ЎТИНГ:



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК



«IndustriALL Global Union» ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирларда энергетика, кон-металлургия, кимё ва бошқа саноат тармоқларида фаолият юритаётган касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлиқни кучайтириш, халқаро меҳнат стандартларини илгари суриш, ижтимоий мулоқотни ривожлантириш ҳамда касаба уюшмаларининг музокаралар олиб бориш салоҳия-

тини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Субминтакавий конференция давомида ХМТнинг асосий конвенциялари ижроси, муносиб меҳнат дастурлари, глобал таъминот занжирлари, муҳим фойдали қазилмалар бозори, Транскаспий халқаро транспорт йўлаги, хорижий инвестициялар, шунингдек, жаҳондаги меҳнат муносабатларидаги рақамлаштириш, сунъий интеллект, иқлим ўзгаришлари ва плат-форма иқтисодиёти борасида атрофлича фикр алмашилди.

«IndustriALL Global Union»нинг халқаро тажрибаси, жумладан, кончилик саноати бўйича глобал ҳаракатлар режаси, адолатли ўтиш (Just Transition), саноат сиёсати, ХМТ конвенцияларини ратификация қилиш ва амалга оши-

риш ҳамда касаба уюшмаларининг ташкилий фаолиятини ривожлантириш бўйича долзарб мулоҳазалар ўртага ташланди.

Миллий конференцияда эса субминтакавий учрашув натижалари асосида Ўзбекистон учун устувор йўналишлар белгилаб олинди. Иштирокчилар касаба уюшмаларини ташкил этиш усуллари, стратегик режалаштириш, ходимлар билан индивидуал ишлаш, ташкилий кўмиталарни шакллантириш, жамоавий музокаралар олиб бориш ҳамда амалий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш бўйича тренингларда қатнашдилар.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА
«ISHONCH»

БУЮК ТАМАДДУН БИЛАН ТАНИШУВ

МКБАНК ходимларининг Тошкент шаҳридаги Ислом цивилизацияси марказига саёҳати уюштирилди.

Улар буюк аждодаларимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси билан яқиндан танишиб, марказдаги ноёб қўлёзмалар, тарихий экспонатлар,

замонавий мультимедиа ва интерактив экспозициялар орқали Ўзбекистоннинг бой илмий, диний ва маданий мероси ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишди.

Мазкур ташкилот касаба уюшмаси томонидан жамоада маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ходимларнинг билим ва тафаккурини бойитишга хизмат қила-

диган маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, юксак маънавият, бой билим ва мустаҳкам қадриятлар ҳар қандай муваффақиятнинг ишончли пойдеворидир.

Сарвар ОЧИЛОВ,
МКБАНК касаба уюшмаси
қўмитаси етакчиси



Тадбир

ТАФАККУР БАҲСЛАРИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши бошланғич ташкилотлар раислари ўртасида бўладиган «Касаба билимдони» интеллектуал ўйинининг саралаш босқичига старт берди.

Етакчиларнинг меҳнат қонунчилиги, касаба уюшмалари фаолияти, мантикий фикрлаш, ҳуқуқий саводхонлик борасидаги билимларини оширишни мақсад қилган интеллектуал ўйинда иштирокчилар тест саволлари, кино лавҳаларидан унинг номини топиш, меҳнат қонунчилиги ва турли касбларга оид мантикий саволлар бўйича ўзаро беллашдилар.

– Бу ўйин орқали билимларимизни янада мустаҳкамладик. Саволлар иш фаолиятимизга тааллуқли бўлгани учун тадбир янада қизиқарли кечди, – дейди Ражабали Орипов.

Таъкидлаш жоизки, бу ўйин билим, ташаббускор ва замонавий фикрлайдиган етакчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини янада оширишга хизмат қилади.

Аброр ОТАБОВЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг
Фарғона вилояти кенгаши раиси
ўринбосари



ХАҚ ҲАМИША ҒОЛИБДИР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши мутахассислари томонидан олиб борилаётган тизимли ўрганишлар ва ҳуқуқий кўмаклар натижасида кўплаб юртдошларимизнинг меҳнат ҳуқуқлари қайта тикланмоқда. Иш берувчиларнинг ҳуқуқий саводсизлиги, айрим ҳолларда эса масъулиятсизлиги оқибатида юзага келган меҳнат низолари касаба уюшмасининг аралашуви ва судларнинг адолатли қарорлари билан ечилини топмоқда.

Қуйидаги тўрт ҳаётий мисол бунинг яққол исботидир.

Ғиждувонлик Л.Раззоқованинг меҳнат фаоляти билан боғлиқ низои осонликча ҳал бўлмади. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан унга нисбатан қўлланилган «хайфсан» интизомий жазоси гарчи иш берувчининг ўзи томонидан муддатидан олдин бекор қилинган бўлса-да, адолат тўла қарор топмаганди.

Касаба уюшмаси мутахассислари масаланинг моҳиятини чуқур ўрганиб, интизомий жазо қўллаш муддати аллақачон ўтказиб юборилганини, яъни дастлабки буйруқнинг қонун талабларига зид равишда қабул қилинганини аниқладилар. Натижада фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг 2026 йил 21 майдаги ҳал қилув қарори билан мазкур ноқонуний буйруқ бекор қилинди.

Адолатнинг яна бир тантанаси Ғиждувон туманидаги 26-мактаб ходими Т.Исомовнинг



меҳнат ҳуқуқлари тикланишида намоён бўлди. Жамоа раҳбари Меҳнат кодексининг 312-моддасига таяниб, ходимга нисбатан ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдориди жарима қўллаш ҳақида буйруқ чиқарган. Бироқ хизмат текшируви материалларида интизомий қилмишининг аниқ мазмуни, унинг содир этилган вақти ва айбдор шахс тўғрисида ҳам етарли далиллар келтирилмаган эди. Бу ҳолатга касаба уюшмаси бефарқ қараб турмади. Иш берувчига ижроси мажбурий бўлган ёзма кўрсатма киритди. Натижада ходимнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Қорақўл туманидаги 41-давлат мактабгача таълим ташкилотиди юз берган воқеа янада мураккаб бўлди. Муассаса директори тарбиячи Н.Раҳмонова билан тузилган меҳнат шартномасини ташқи ўриндошликни важ қилиб, бир томонлама бекор қилди.

Биринчи инстанция суди иш берувчи фойдасига қарор чиқариб, даъвогарнинг талабларини рад этди. Бироқ касаба уюшмасининг бош мутахассиси меҳнат қонунчилиги ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари талабларини атрофлича таҳлил қилиб, ҳақиқатни исботлади. Аниқланишича, ходимнинг уч ёшга тўлмаган фарзанди

Касаба уюшмаси аралашгач...

бўлган ва амалдаги қонунчиликка қўра, бундай оналар билан меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Бухоро вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати куйи суд қарорини бекор қилди. Натижада Н.Раҳмонова ишига тикланди. Шунингдек, унга етказилган маънавий зарар учун 2 миллион 500 минг сўм ҳамда мажбурий бекор юрган даври учун 13 миллион 351 минг 998 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Қонун мададига таянган яна бир юртдошимиз Савдо-саноат палатасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси ходими В.Камолова бўлди. Бола парваришлаш таътилидан қайтгач, иш берувчи штат қисқарганини важ қилиб, унга фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида вақтинчалик ишланиш таклиф қилди. Ваҳоланки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, болани парваришлаш таътилида бўлган ходимнинг иш жойи сақланиши кафолатланган. Ходимнинг мурожаати касаба уюшмаси томонидан ўрганилгач, иш берувчи ҳатосини тан олди ва уни бартараф этди. Натижада В.Камолованинг меҳнат ҳуқуқлари тўлиқ тикланди. Қолаверса, у ўзининг билим ва салоҳиятига муносиб равишда бошқарманинг Вобкент тумани бўлими бошлиги лавозимига тайинланди.

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилиги талаблари бузиллиши ҳолатлари тез-тез рўй бериб турибди. Модомики шундай экан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши бундан буён ҳам фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида собитқадамлик билан фаолият юритаверади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Танлов

САМАРҚАНДГА БЕПУЛ САЁХАТ ЙЎЛЛАНМАСИ

лакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб, барча иштирокчиларга омад тилади. Танлов давомиди қатнашчилар ташкилий кўмита томонидан тавсия этилган ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ҳамда ил-

мий-публицистик адабиётлар бўйича ўз билимларини намоёиш этиб, тест ва савол-жавоблар шартлари асосида беллашдилар.

Қизгин ва муросасиз кечган беллашувда Термиз давлат университети ўқитувчиси Мухриддин Хидиров фахрли биринчи, Термиз иктисодиёт ва сервис университети ўқитувчиси Феруза Раҳмонқулова иккинчи, Тер-

миз шаҳридаги 1-сонли техникум ўқитувчиси Жамшид Ҳазратқулов учинчи ўринни эгаллашди.

Тадбир якунида ғолибларга диплом, эсдалик совғалари ва Самарқанд шаҳрига бепул саёхат йўлланмаси топирилди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Ёзги соғломлаштириш



БАХТИЁР БОЛАЛИКНИНГ СЕҲРЛИ МАСКАНИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу эзгу ишлар доирасида «Hududgaz Qoraqalpog'iston» газ таъминоти филиалида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг 52 нафар фарзанди Тошкент вилоятининг сўлим ва баҳаво ҳудудиди жойлашган «Зангори олов» оромгоҳиди дам олиб қайтди.

Масканди ўтган кунлар болажонлар учун қувончли лаҳзаларга ва ёрқин таассуротларга бой бўлди. Улар спорт мусобақалари, маданий-маърифий кечалар, интеллектуал ўйинлар ва турли кўнгилочар тадбирларда фаол иштирок этишди. Тахиятошлик Шахсанем Жалғасбаева ҳамда нукуслик Бийбигул Оразбаева мусавфо тоғ ҳавоси, гўзал табиат ва қизқарли машғулотлар унутилмас хотираларга бой бўлганини таъкидлади. Мўйноқлик Амангелди Аманбаев ҳам ўзининг самимий фикрлар билдирди:

– Илгари бундай сўлим масканларни фақат телевизор орқали кўрар эдим. Бу сафар эса улардан бирида дам олиш бахтига муяссар бўлдим. Тоғ ҳавосининг мусавфоллиги, табиатнинг бетакрор гўзаллиги инсонга ўзгача қайфият бағишлар экан. Энг муҳими, бу ерда кўплаб янги дўстлар орттирдим, қизқарли тадбирларда қатнашдим ва уйга унутилмас хотиралар билан қайтдим.

Дарвоқе, айна кезларда амалга оширилаётган бундай хайрли ташаббуслар болаларнинг соғлом дам олиши, жисмоний чиникиши ва маънавияти бойишига хизмат қилиб, уларнинг қалбиди Ватанга меҳр, табиатга эҳтиром туйғуларини мустақамлайди.

Қуат КУДАЙБЕРГЕНОВ,
«Hududgaz Qoraqalpog'iston» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси раиси

Фахр

ЮРАГИМДА ЧЕКСИЗ ҲУРМАТ БОР

Бугунги куним ўзгача шукӯх билан бошланди. «Ўзбекистон касаба уюшмалари: 120 йил халқ билан» номли икки жилдлик китобни қўлимга олар эканман, юрагимни илиқ бир ҳаяжон, энтикиш ва шукроналик туйғулари қамраб олди. Бу салобатли нашр нафақат муаззам ташкилотнинг шонли ўтмишини, балки менинг ҳам меҳнат фаолиятим ва шахсий камолотимнинг ўзига хос соғномаси каби туюлди. Китобга термулиб, ортда қолган йилларни эсладим...

Мен сўлим Зомин бағрида туғилиб ўсдим. Бобом ва бувим, ота-онам – хонадонимизнинг барча вакиллари ўз даврида касаба уюшмаларининг фаол аъзолари бўлишган. Уларнинг эл-юрт хизматидаги фидойилиги, ҳалол меҳнатга юксак ҳурмати мен учун болалиқдан шаклланган ибрат мактаби бўлди. Ўқувчилик йилларида адабиётга беҳад қизиқишим боис вилоят ва республика миқёсидаги танловларда қатнашишни истардим. Лекин кўпгина кўрик-танловларда иштирок этиш учун топишрган ҳужжатларим рад этиларди. Сабаб – муаллифлик китобим йўқлиги экан. Ота-онамнинг моддий имконияти чекланган, китоб чиқаришга кучимиз етмасди. Бобомнинг эса жажли қичди: «Ёш боланинг китоби чикиши – бу қандай бемаъний шарт экан!». Лекин дилбандининг кўнгли ўқисини ким ҳам истарди. Чорасини топиларди.

Оруларим сўнаёзган айнан ўша дамларда, касаба уюшмаси деган ташкилот ҳаётимга нур бўлиб кирди. Ота-онамнинг Жиззах вилояти касаба уюшмалари кенгашига қилган мурожаати ижобий ҳал этилди, уюшма томонидан нашриёт қаражатлари тўлаб берилди ва илк шеърий тўплашим «Сангзор» нашриётиди чоп этилди. Ўшанда ёш қалбимда касаба уюшмасига нисбатан чексиз ҳурмат ва муҳаббат уйғонди.

2013 йилда меҳнат фаолиятимни Гулистон шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимида бошладим. Қисқа фурсатда ҳамкасбларим ишончини қозониб, ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси раиси этиб сайландим. Ўша кундан бошлаб, қаерда ишламайин, касаба уюшмаси ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланди. Бу ташкилотдаги фаолиятим менга шунинг англатдики, иш оддий тиркичилик манбаи ёки ойлик маош илинжидаги югур-югур эмас, балки жамият ва давлат сиёсатидаги ўзгаришларга дахлдорлик, масъулият ҳисси билан баҳоланади. Мен ҳар тонг ишга келар эканман, ўзимни шу юртнинг бир бўлаги, атрофдагиларнинг дардида дармон, қайғуси-ю, қувончига шерик бўлишга шай фидойи сифатида ҳис етмаман. Касбдошларимни ўз яқинларимдек қадрлаш, уларга беминнат яхшилик қилиш, жамоада соғлом ва дўстона муҳит яратиш – менинг ҳаётий фалсафамга айланди.

Президентимизнинг 2025 йил 17 октябрда касаба уюшмалари фаоллари билан бўлган учрашуви фаолиятимдаги янги босқични, ўзига хос бурилиш нуқтасини бошлаб берди. Бу йигилишда белгиланган вазифалар, юртимиз раҳбарининг халққа бўлган ғамхўрлиги менга ҳам куч бағишлади. Жорий йил бошида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашида ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси лавозимига тайинландим. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг «Раҳбар аёллар мактаби»га қабул қилинганим – зиммамдаги масъулиятни янада ошириб, келажакдаги максадларим сари дадил қадам бўлди.

Икки жилдлик «Ўзбекистон касаба уюшмалари: 120 йил халқ билан» асарини мутлоаа қилар экансиз, давлат миқёсидаги улкан ислохотлардан бохабар бўласиз, шунингдек, минглаб инсонларнинг қалб садосини ҳам эшитасиз. Барчангизни ушбу китобни ўқишга, юртимизда инсон қадрини улуглаш йўлидаги эзгу ишларни қалбан ҳис этишга чақираман.

Дилнавоз САИДОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Мусобақа

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Урганч олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг Сув спорти саройида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши ҳамда «Uzbekiston Aquatics» федерациясининг ҳудудий бўлими ҳамкорлигида «World Aquatics Day» оммавий спорт фестивали доирасида сузиш мусобақаси ташкил этилди.

Тадбирни Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши раиси, «Uzbekiston Aquatics» федерациясининг ҳудудий бўлими раҳбари Гулсара Қурбонбоева кириш сўзи билан очиб берди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2024 йил 4 ноябрдаги «Сув спорти турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳар йили «World Aquatics Day» оммавий спорт тадбирлари ва фестивалларини ўтказиш белгиланган. Бундан мақсад аҳоли, аиникса, ёшлар ўртасида сузиш ва сув спорти турларини оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда ёшларни мунтазам спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишдан иборатдир.

Бугунги кунда вилоятдаги 9 та сув спорти саройида 1000 нафардан зиёд ёшлар сузиш билан шуғулланмоқда. Улар республика мусобақаларида иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишмоқда. Шунингдек, Хоразмдан парасузиш бўйича Осиё ва жаҳон чемпионлари етишиб чиққан. Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида сузиш гуруҳларининг самарали фаолияти ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётганининг яққол исботидир.

Фестивалда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган 11–13 ёшли ўғил-қизлар сузиш бўйича ўз маҳоратларини намоёиш этишди. Сув полоси бўйича кўргазмали чиқишлар эса тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Фаол иштирокчилар вилоят кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Муҳаббат НОРБОВЕВА

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Ҳамма дунёни ўзгартиришга ҳаракат қилади,
лекин ҳеч ким ўзини ўзгартириш ҳақида ўйламайди.

Лев Толстой

«Ishonch» САВОЛИ

«ХЎРОЗҚАНДГА – РОСТ ХАБАР, ПИШЛОҚҚА – ЁЛҒОН...»

ёки матбуот анжуманини журналистлар иштирокисиз ўтказиш мумкинми?

Оммавий ахборот воситалари таълим, тиббиёт, қурилиш ва ҳоказо йўналишларда бўлгани каби маълум ҳудудда ҳар бир тизимда ўн минглаб ҳамкасблар меҳнат қиладиган соҳа эмас. Вилоятдаги газета, телевидение, радио ва интернет нашрларда ишлаётган ижодий ва техник ходимлар сони нари борса 250 нафарни ташкил этади. Яъни тизимнинг деярли барча вакиллари бир-бирини яхши танийди.

Ана шундай ишонч билан беихтиёр суратлардаги қиёфаларга кўз югуртирасиз. Қизикки, журналистлар иштирокида ўтиши керак бўлган тадбирда на бирорта ОАВ ходимига, на блогерларга кўзингиз тушади.

Таажжубда хабарни «Булар бизнинг соҳадаги одамларми? Танийсизларми?» дея бошқа журналистларга узатасиз.

Касбдошлар ҳам ҳайрон бўлиб елка қисишади: «Ажабо?!»

Суриштирувлардан сўнг «матбуот анжумани»да даврани тўлдириб ўтир-

Mustaqilligimiz ramzi va faxrimiz – O‘zbekiston so‘ni 32 yoshida!
01/07/2026

Andijon viloyati statistika boshqarmasida matbuot anjumani o‘tkazildi
30/06/2026

Andijon viloyati statistika boshqarmasiga yuborilgan murojaatlar tahlili (2026 yil yanvar-may)
30/06/2026

Andijonda yanvar-may oylarida qurilish hajmi 5 335,2 mlrd so‘mga yetdi
29/06/2026

O‘zbekiston aholisining o‘rtacha umr ko‘rish davomiyligi 9 yoshga oshdi
26/06/2026

2026 yil 1 iyun holatiga ko‘ra Andijon viloyatida 27 932 ta korxona va tashkilotlar faoliyat yuritmoqda
25/06/2026



ганларнинг аксари бошқарманинг ходимлари экани аён бўлади.

Хўш, бундай майнаовчиликдан кимга нима фойда? Ярим йиллик фаолият якунларини жамлаш арафасида – икки оёқ бир этикага тикилган пайтда олти ой давомида ўтказилмаган анжуманни «ўтказилди» дея ҳисобот бежаш учун амалга оширилган чорами ё?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига! Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига!

ДЕРАЗА ТАГИДАГИ ҲОЖАТХОНА

кўп қаватли уй аҳли ундан қачонгача азият чекишади?

Боз устига, ҳожатхона олдида салқин ичимликлар сотилаётганига куласизми, куясизми?

Хоразм вилояти ҳудудий Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси вакили ҳамда жавобгар суднинг биринчи ва иккинчи мажлисига келмагани, шунингдек, даъвогар ишнини ўз иштирокисиз қўриш ҳақида илтимоснона бермагани ҳам таажжубланарли.

Бу ҳолат қатор саволларни ўртага ташлайди.

Нега давлат органи ўзи киритган даъвони ҳимоя қилмади? Унинг вакиллари ва жавобгар нега судга келишмади? Фуқаролик ишлари бўйича

Урганч туманлараро суди шу йил 26 июнда қабул қилган ажримда норози томонлар мазкур суд орқали Хоразм вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 20 кун ичида хусусий шикоят(хусусий протест) билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгалиги

таъкидланган. Инспекция протест келтириш ниятидами ёки йўқми?

Бир кишининг манфаати деб, бутун бошли кўп қаватли уй аҳолиси ноқулай муҳитда яшашга маҳкум бўлиши адолатданми? Наҳотки, шу ҳо- жатхона аҳоли соғлиғидан, болалар



саломатлигидан ҳам устун бўлса? Мабодо, эшитингиз олдида, деразангиз тагига ҳожатхона қуришса сиз ҳам шундай бефарқ бўлармидингиз?

Муҳаббат ТўРАБОВЕВА «ISHONCH»

эса уйимиз хувиллаб қоларди.

Бир кунни отам «Дарвоза олдида кўр- пача солиб бер, бирпас дам олмоқчи- ман», деди. Айтганини қилдим. Негадир кўзларидан ёш оқар, кечикаётган қал- дирғочларини кутарди. Орадан икки кун ўтиб, вафот этди. Ўша йили қалдирғоч- лар уяларига учиб келишмади.

Орадан вақт ўтди. Бир кунни мактаб- дан қайтсам, қалдирғочлар дарвозамиз тепасида, отам ётган хона эшиги атро- фига аза тутган каби мунгли овоз чиқар- иб учиншарди. Кўз ёшларимни тўхтата олмадим...

Ҳозир жажжи полапонлар анча улғайиб қолишди. Улар ҳар кунни вижир- лашиб, гўё мени ишга кузатиб қўяётган- дек бўлишади. Ота-она қалдирғочлар эса эрталабдан ҳавода чарх уриб, емиш та- шиш билан овора...

Марҳамат МАТВАФАЕВА, биология фанлари номзоди

Кун мавзуси



ҲАММА БОЗОРЛАРДА ҲАМ ТЕРМИНАЛЛАРДАН ҲОЙДАЛАНИЛЯПТИМИ?

Бугун дунё рақамли иқтисодиёт сари жадал қадам ташламоқда. Бир пайтлар одамлар нақд пулсиз савдо қилишни тасаввур ҳам қила олишмаган. Ҳозир эса бо- зорга чиққан инсоннинг чўнтагида даста-даста пул эмас, ихчамгина пластик карта ёки қўл телефони бўлса, кифоя.

Бу ўринда телефонни ҳам тилга олганим бежиз эмас. Не- таки, дастлаб тўловни карта орқали амалга ошириш ти- зими яхши ишлаганди. Ҳозир эса бозорлардаги дўкон- ларнинг аксариятида терминал йўқ. Сотувчилардан сабабини сўрасангиз, «Уни олиш учун навбатда турибмиз», «Ҳозирча бе- ришмаяпти» ёки «Бузилгани туфайли тузатишга топширган- миз», деган жавобларни эшитасиз.

Ажаб, нега? Ахир нақдсиз тўлов тизими жорий этилгач, уни ривожлантириш учун давлат томонидан катта имкониятлар яратилди-ку. Тадбиркорларга терминаллар берилди, банк хиз- матлари кенгайтирилди, QR-тўлов тизимлари йўлга қўйилди. Бироқ бугунги кунда бозорга кирган харидор иккита муаммога дуч келади. Биринчиси – айрим сотувчиларда терминал йўқ, иккинчиси – баъзиларида бор бўлса-да, ишламайди. Масалан, «Чорсу», «Эски шаҳар», «Абу Саҳий», «Чинни бозори» ва бо- шқа бозорларда терминаллардан самарали фойдаланилаётгани ҳамма маълум. Яна дегн, сотувчилар бозорда аллақачон урфга айланган янги ҳолатни тўғри ҳеч ким билмайдигандек, хари- дорга телефон воситасида банк иловаси орқали тўлов қилишни маслаҳат беришади.

Тунов кунни Абу Саҳий бозорига тушдим. Бир дўконда кў- зимга чиройли кўринган ва нархи ўзимга маъқул келган махсу- лотни харид қилмоқчи бўлдим. Нақд пулим йўқлиги сабабли пластик картамини сотувчига узатдим. Зум ўтмай ундан терми- нал ишламаётганини эшитдим. Начора, бошқа дўконга ўтдим. Ундаги терминал ишлаётган экан. Бироқ дўкондор картада бир тийин ҳам пул йўқлини айтганида, ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, унда мавжуд пулни аввалги дўкон сотувчиси менга билдирмай ечиб олган экан...

Қизиғи, иқтисодиётимизга кириб келган терминал орқали нақд пулсиз савдо қилиш тизими бу ахволга келиб қолгани би- лан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ҳолбуки, у шунчаки муаммо эмас, иқтисодиёт шаффофлигига таъсир қилувчи иллатдир. Чунки нақд пул айланмаси қанча кўпайса, яширин савдо ва солиқ тўлашдан қочинш хавфи ҳам шунча ортади. Нақдсиз тўлов эса савдони очик ва тизимли қиладди.

Яна бир муҳим гап. Бугун кўпчилик ойлик маошини 100 фоиз карта орқали олади. Аммо бозорда харид қилган махсу- лоти учун тўловни амалга ошириш жараёнида терминал ишла- маса, банкомат қидиришга мажбур. Ўша дамларда муайян сабабларга кўра, банкоматларда пул йўқлиги ёки у ишламаёт- гани ҳам ортиқча вақт йўқотишга сабаб бўлади. Устига-устак, пластик картасидаги пулни белгиланган фоизни тўлаш эвазига ечиб олиши мижознинг ҳамёнига зарар етказади. Муаммонинг асосий қисми айнан инсон омили билан боғлиқ эканини на- зарда тутсақ, бу рақамлаштириш сиёсати мазмунига зиддир.

Таассуфки, ҳамюртларимиз юқорида тилга олинган ҳолатларга кўникиб боришмоқда. Ҳозир «Ҳа, энди бозорда шу- нақа-да» деган кўпчилик учун олдий қарашлардан брига ай- ланмоқда. Гапнинг индаллосини айтганда, қонун ҳамма учун бир хилда ва баравар ишлаши зарур бўлган жойда «одат» қонун- дан устуңлиқ қилмоқда.

Аслида-чи?.. Аслида бозор – халқнинг юзи. Ундаги тартиб- қоидалар, хизмат кўрсатиш даражаси ва ҳисоб-китоб тизими мамлакатнинг иқтисодий маданияти қандайлигини билди- ради. Замонавий иқтисодиётни яратиш жараёнида эса, терми- нал фақат «безак» учун бўлмаслиги, аксинча, қундалик савдо- нинг ажралмас қисми воситасига айланмоғи шарт. Шунда бо- зор ҳам давр билан ҳамнафас бўлиб, нақдсиз тўлов тизимини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

Биз мутасаддилардан бу масалани эътибордан четда қол- дирмасликларини сўраймиз.

Раъно МАҲКАМОВА «ISHONCH»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация- си жамоаси Федерациянинг Наманган вилоят- ни кенгаши раиси Ҳасанбой Ибрайимович Хо- жаевга падари бузруквори

Ибрайимжон ХОДЖАЕВ вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдард- лик билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Республика кенгаши- нинг таъкилий ишлар бўйича бош мутахассиси Ди- лором Мухторовна Тошматовага укаси

Собир Мухторович ТОШМАТОВ вафот этгани муносабати билан таъзия изхор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси матбуот фахрийси, тахрир- ятнинг кўп йиллар Бухоро вилояти муҳбири бўлиб ишлаган журналист Иззатилла Ҳожиевга турмуш ўртоғи

Ҳамида ҒУЛОМОВА вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билди- ради.

КЕЧИККАН ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Ёзнинг илк кунлари эди. Эрталаб ишга отланган маҳалим остонада арчанинг қури- ган шохчаларига кўзим тушди. Тозалаётгандим, бир жуфт қалдирғоч бошим узра айланиб-айланиб, ташқарига чиқиб кетди. Улар эшигим тепасидаги зинапоё усту- нига уя қуришибди. Қувониб кетдим. Беихтиёр: «Ушх келибсиз, азиз меҳмонла- рим!» дедим.

Ишхонамга қандай етиб борга- нимни ҳам сезмай қолдим. Кун бўйи миямда, «Ишқилиб, бирор бола билмасдан, кушлар не машаққат билан қурган инларни бузиб қўйма- сайди», деган хавотир ғўжғон ўйнайди. Қайтгач, дарҳол уяга қарадим. Хайрият, жойида экан! Жажжи меҳмонларим ҳам келишмини пойлаб тургандек, учиб ке- либ, инларига кўнишди.

Орадан кунлар ўта бошлади. Ҳар кунни эрталаб улар билан хайрлашадиган, иш- дан қайтганда эса: «Жажжи меҳмонла-

рим, омонмисизлар?» деб саломлашади- ган бўлдим.

Ҳаш-паш дегунча ёзнинг бир ойи ҳам ўтиб кетди. Қалдирғочларим кўпайи- шиб, жажжи полапонларнинг майин овозлари эшитила бошлади.

Аслида, қалдирғочлар эрта баҳорда учиб келиб, апрель ойида тухум қўйиб, бола очиншарди. «Менинг меҳмонларим» эса кечикиб – июль ойида кўпайишди. Шу боис бироз хавотирдаман. Уларнинг иллу бор қурган уяси унчалик мустаҳкам эмаслигидан, эндигина топишган ёш



Энг ачинарлиси, бу ҳолат энди фақат ресторан ёки савдо марказларига хос эмас. Хусусий мактаблар, боғчалар, ўқув марказлари, тураржой мажмуалари, ҳатто сартарошхоналаргача бегона тилларга ошно бўлиб қолган. «Happy Kids», «Future School», «Oxford Education», «Smart Academy», «Ideal Textile», «Best Market»... Ўзбек боласига таълим бераётган маскан нега ўзбекча ном билан фахрланмайди? Бу савол бугун жамият олдидаги дол-

зарб маънавий масалалардан бирига айланди. Энг хавотирли жихати шундаки, бу оддий маркетинг муаммоси эмас. Бу – миллий тафаккур, маънавий қарамлик ва ўзликни англаш билан боғлиқ масала.

Тил миллатнинг юраги бўлса, ном унинг қиёфасидир. Бирор халқнинг кўчалари, бозорлари, мактаблари ва корхоналари ўша халқ руҳиятини намоён этади. Агар мамлакатда бегона сўз устунлик қила бошласа, демак, жамият маънавий муҳтида муайян бўшлиқ юзага келган бўлади.

Бугун айрим тadbirkorлар ўзбекчаси «замонавий эмас», «жарангдор эмас», «мижозни жалб қилмайди», деган қарашлар билан яшайдилар. Бу тасаввур қаердан пайдо бўлди? Ким бизнинг шууримизга ўз тилимиз жозибасиз деган фикрни сингдирди?

Аслида муаммо онгда. Бир вақтлар жадид боболаримиз мактаб, газета, театр ва кутубхоналар очиб, уларга «Турон», «Тараққий», «Нажот», «Хуррият», «Садои Туркистон» каби миллий руҳни ифода этувчи номлар берган эди. Улар ном шунчаки ёзув эмас, гоё эканини яхши англardилар.

Бугун эса у айримлар учун фақат реклама воситасига айланиб қолган. Нагжада кўчаларимиз сунъий обрў излаган пешлавҳалар билан тўлиб бормоқда. Айниқса, русча ва инглизчага ҳаддан зиёд мойилик айрим қатламларда гўё «савиялилик белгиси»га айлангандай таассурот уйғотади. Бу мустахлама давридан мерос бўлиб қолган психологик қарамликнинг айрим кишилар онгида ҳамон сақланиб қолаётганини кўрсатади.

Собиқ Иттифоқ даврида русчани билиш «маданият», «саводхонлик» ва «юқори табақа» белгиси сифатида талқин қилинди. Ўзбек тили кўп ҳолларда қоқоқлик рамзи сифатида кўрсатилди. Мустақилликка эришганимизга ўттиз йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, айрим кишилар ҳамон ўша қарашдан тўлиқ халос бўлгани йўқ. Шу боис баъзилар корхонасини «Барака», «Меҳр», «Зиё», «Орзу», «Қадр», «Юрт», «Бунёдкор» ёки «Саховат» эмас, балки «Premium», «Royal», «Grand», «Mega», «Lux», «City» деб номлашни афзал кўришади. Уларда хорижий ном қўйилса, бизнес муваффақиятли бўлади, деган нотўғри тасаввур шаклланган. Гўёки «Осиё» эмас, «Asia» деб ёзса, тараққиётга эришадигандай.

Аслида дунё тажрибаси бошқа ҳақиқатни кўрсатади.

Яъни миллий қиёфасини сақлаган халқгина глобал майдонда ўз ўрнига эга бўлади, ҳурмат қозонади. Шу боис, ривожланган давлатлар мутлақо бошқача йўл туттишади. Масалан, Туркияда аксарият корхона, ресторан ва таълим муассасалари туркча номланади. Франция давлат тилини муҳофаза қилиш бўйича қатъий сиёсат юритади. Япония, Корея ва Хитой бун иқтисодий ҳамда маданий тараққиётнинг муҳим таянчи деб билади. Улар хорижий инвестиция ва технологияни қабул қилади, аммо миллий тил масаласида муросага бормайди.

Ёшлар тарбияси нуқтаи назаридан бу масала муҳим. Боғча ёшидаги бола кў-

чада энг аввал пешлавҳаларни кўради. Агар у доимо ажнабий ёзувларга дуч келаверса, онгида «замонавийлик – чет тилида», «нуфуз – бегона маданиятда» деган тушунча шаклланиши мумкин. Бу миллий ўзлик аста-секин емирилишига олиб келади.

Тил фақат дарслик билан яшамайди. У кўчада, бозорда ва рекламада ҳам яшайди. Унинг мақоми фақат қонун билан эмас, балки кундалик ҳаётдаги амалий устуворлик билан мустаҳкамланади. Афсуски, айрим ҳудудларда давлат тилидаги ёзувлар ҳатто грамматик жиҳатдан хатолар билан ёзилмоқда. «Market», «stroy», «kafe», «detskaya o'dejda», «myasnoy», «pitsta», «halol food» каби чалқаш ва ғализ ёзувлар кўпаймоқда. Бу эстетик дид ҳамда маданият сусайиб бораётганидан далолат беради.

Шу ўринда ўзбекча от қўйиш қийинми, деган савол туғилади. Йўқ, асло. Муаммо – миллий тафаккурдаги сустликда, ўз тилимизга ишончнинг етарли эмаслигида, унинг қудратини тўлиқ ҳис қилмаганимизда ва «чет тилида бўлса, обрўлироқ кўринади» деган сунъий психологияда-дир.

Аслида ўзбек тили ниҳоятда бой, образли ва жозибадор. «Зиё», «Юксалиш», «Қадирғоч», «Умид», «Само», «Тонг», «Хумо», «Меҳр», «Қут», «Богбон», «Наврўз», «Саховат», «Ифтихор», «Бунёд», «Рисолат», «Янги давр», «Истиқлол», «Ёрқин», «Шабнам», «Шукух»...

Бугун миллий қадриятлар ҳақида кўп

гапиримиз. Аммо миллийлик, аввало, давлат тилига муносабатда намоён бўлади. Агар биз уни номга муносиб кўрмасак, келажак авлод қалбига қандай сингдира оламиз? Албатта, бу борада амалий чоралар зарур. Хусусий корхона ва муассасаларни миллий ном қўйишга рағбатлантириш, бу бўйича жамоатчилик назорати ва тарғибот ишларини кучайтириш лозим. Бироқ қонундан ҳам муҳимроқ нарса – миллий гурур бор.

Тadbirkor она тилидаги ном билан фахрланиши, зиёдилар бу масалага бe-фарқ бўлмаслиги, ота-она фарзандига нуфуз бегона сўзда эмас, ўзликда эканини англайтиши керак. Чунки бу эртанги миллий тафаккурнинг йўналишини белгилайди.

Масала оддий кўриниши мумкин. Аммо тарих шун кўрсатадики, миллатлар аввал тилидан узоқлашади, кейин ўзлигиндан айрилади. Тил бирданига йўқолмайди. У аста-секин реклама ва кундалик одатлар орқали сиқиб чиқарилади. Шу маънода, кўчамиздаги ҳар бир ўзбекча ном миллий мустақиллигимизнинг кичик, аммо муҳим тимсолидир.

Биз замонавийлашишимиз, дунё билан ҳамнафас бўлишимиз, чет тилларини ўрганишимиз зарур. Лекин бу ўзимизникини четга суриш ҳисобига бўлмаслиги керак. Зеро, ўзбекча ном қўйиш эмас, ўз тилидан уялиш уятдир.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Орамиздаги одамлар

ИҚБОЛ ОПАНИНГ ЛОЛАЛАРИ



пайдо қилиши мумкин. Шу боис тиндирилган ва илитилган сувда сўғорил лозим.

Қаҳрамонимиз лола пиёзчаларини экиш ва парваришlash бора-сидаги тажрибаларини ҳам сўзлаб берди:

– Лола пиёзларини октябрь ойининг охирида эккан маъқул. Апрель ва май ойларида ўз чиройини намоён қилган лолаларнинг пояси қуриши биланок, уларни тупроқдан ажратиб олиш ва қурук, салқин жойда сақлаш лозим. Борди-ю, пиёзлар тупроқда қолса, сўғоришда ўта эҳтиёткор бўлиш зарур. Ортиқча намлик пиёзларнинг чириши ва нобуд бўлишига олиб келади.

Дарвоқе, Иқбол опа кўп йиллардан буён Олмалик кон-металлургия комбинатининг мис бойитиш фабрикасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Бу ерда янги ташкил этилган гулхонага ҳам у мастўл экан.

– Фабрикамиз директори Равшан Сиддиқовнинг ташаббуси билан 2025 йилда бу ерда 1,6 сотихлик гулхона қурилди, – дейди суҳбатдошимиз. – Гулларни яхши кўрганим боис, уларнинг парваршишни ўз зиммамга олдим. Иссиқхонага манзарали тувак гуллари ва цитрус мевалари экилган. Бундан ташқари, қушлар бурчаги ҳам ташкил қилинган.

Саноат соҳасида ишлаш билан бир қаторда гулчиликни ҳам муваффақиятли олиб бораётган Иқбол опа ўз томорқасидан унумли фойдаланётгани таҳсинга сазовор. Эътиборли

жихати, у кўп гул етиштирса-да, уларни сотмайди. Одамларга, яқинларига ҳади сифатида тақдим этади. Бировларни хурсанд қилгиси келади.

«Ўзгалликка ошно нафосат соҳибаси, ўзгаларга қувонч улашиб яшаётган сиз сингари юртдошларимиз сафи кенгайверсин», дея опанинг ҳузуридан қайтдик.

Ирода ЙЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

ХИТОЙДАГИ ЎЗБЕК ТАЛАБАЛАРИНИНГ ҲАЁТИ ҚАНДАЙ?

Хитой – энг ривожланган, ёшлар таълими учун барча шароитларга эга бўлган давлатлардан бири. Маълумотларга кўра, 2025 йилда ўзбекистонлик 1186 нафар ёшлар ушбу мамлакатга ўқиш учун борган. Тошкент давлат шарқшунос-лик университети ҳузуридаги Конфуций номидаги ўзбек-хитой институтида 2–курсда «эхчанге» (алмашинув) дастури бўйича грант ютиб, 3–курсни Хитойнинг Жинхуа шаҳрида Эхжианг провинциясида жойлашган Эхжианг Нормал университетида давом эттирган Мадина АБДУЖАББОРОВА улардан бири.

Хўш, нега кўп талабалар айнан Хитой давлати таълимига қизиқишмоқда? Хитойлик ёшларнинг таълим сири нимада? Умуман, хорижда ўқиётган бир талабанинг ҳаёти қандай ўтади?

Мана шу саволларга Мадинадан жавоб оламиз.

– **Хориж университетида қандай грант ютдингиз?**

– Мен таълим олаётган олий ўқув даргоҳи билан Хитой университетининг ҳамкорлиги мавжуд эди. Яъни иқтидорли тала-

балар «эхчанге» асосида бир йил Хитойда таълим олиши мумкин. Мен мана шу имкониятдан фойдаланганман.

– **Хитой талабалар учун қандай давлат?**

– У талабалар учун энг хавфсиз давлатлардан бири. Ҳатто кечки вақтларда ҳам ўзингизни жонажон юртингизда юргандек ҳис қиласиз. Университетимизда халқаро талабалар бўлими мавжуд бўлиб, ҳар қандай савол ва муаммолар ечими бўйича ёрдам беришади. Шунингдек, стипендия олиш имкониятлари ҳам мавжуд. Махсус тил курслари, кўнгилочар тadbirkorлар мунтазам ўтказиб турилади. Ётоқхоналар эса замонавий ва қулай. Интернет, кир ювиш хонаси, кондиционер ва мустақил ўқиш учун алоҳида хоналар мавжуд.

– **Чет элда таҳсил олишнинг қандай қийинчиликлари мавжуд?**

– Хитой маданияти бизнинг миллий қадриятларимиздан кескин фарқ қилади. Уларнинг ўзига хос анъаналари, ҳукумат қонунлари бор. Таомлари бора-сида талабалар бироз қийинчиликларга учрайдилар. Аммо ҳозир Хитойда ўқиётган юртдошларимиз жуда кўп, биз бирлашиб, турли масалаларда бир биримизга қўмаклашамиз, қўлаб-қувватлаймиз. Шахсан мен тил борасида бир қанча қийин-

Таълим

чиликларга учрадим, аммо маълум вақт ўтиб, Хитой тилини ўша ерлик устозлар ёрдамида тез ўрганиб олдим.

– **Хитой таълим тизимининг устунликлари нимада?**

– Бу юртда университетларда назарий билим билан бирга, амалий машғулотлар ва тадқиқотларга катта эътибор қаратилади, бунинг учун зарур шароитлар ҳам яратилган. Махсус тадқиқот бўлимлари, лабораториялар ва барча керакли ускуналар билан таъминланган хоналар мавжуд.

– **Талабалар вақтини одатда қандай ўтказишади?**

– Бу мутахассислик ва университетларга боғлиқ. Аммо бу ерда мени энг ҳайратлантирган нарса – талабалар кунига 4-8 сонатдан дарс қилишади. Аксарияти вақтини кутубхонада ва ўқув машғулот хоналарида ўтказишади.

– **Грант ютиш учун нима-лар қилиш керак? Умуман олганда, бошқаларга ҳам Хитойда ўқишни тавсия қиласизми?**

– Албатта. Бу нафақат сифатли таълим, балки янги маданият ва халқаро таржиба олиш имконини беради. Қолаверса, юқори рейтингда турувчи халқаро университетлар сизга келажакда юқори маошли иш таклиф қилади ва ўзингизга бўлган ишончини оширади. Грант ютиш учун эса, агар сиз филология йўналишини танлаган бўлсангиз, тил ўрганиш, тил сертификатини қўлга кириштиш ва албатта ҳужжатларни муддатидан олдин тайёрлашни бошлашингиз зарур.

Самира МАТКАРИМОВА
суҳбатлашди

Кўпчилик учун лола шунчаки фаслий гул, лекин Иқбол Тугалбоева учун ҳаёт мазмуни. Опанинг ўзи эса кўллари билан тупроқдан мўъжиза яратаётган замонамиз қаҳрамонларидан бири. Унинг иссиқхонасида очилган ҳар бир гул матонат ва нозик дид маҳсулидир.

– Лолаларни болагимдан ёқтирар эдим, – дейди у. – Бу меҳр йиллар давомида катта қизиқишга айланди. Илк бор унинг қизил рангли навини экканман. Уч йил бурун голланд лолалари етиштирадиган сотувчи билан танишиб, ундан ўн тўққиз хил лола пиёзчаларини сотиб олиб эка бошладим. Биласизми, уларнинг нодатий ранглари инсон қалбига бир олам қувонч улашади.

Иқбол опа ҳар бир гулнинг янги барги ёки энди очилаётган гўначасини худди ўз фарзандидек эркалайди.

– Ҳовлимиздаги лолалар очилиб туғандан сўнг, ўрнига герань, астра, райхон, кўп йиллик хризантемалар ва пион гулларини экканман, – дейди у. – Уларга қараганимда, ичимда ажиб бир ҳиссиёт жўш уради. Соатлаб гулларга қараб, уларни бегона ўтлардан тозалаб, кейин дам оламан. Ишга берилиб кетганимда кундалик ташвишларни унутаман.

Гуллар турлича. Улар билан тил топилиш ўзига хос маҳорат талаб қилади. Иқбол опа антуриум гулини ўстириш қийин эканини алоҳида таъкидлади:

– Антуриум («Эркалар бахти») – инжик ўсимлик, – дейди Иқбол Тугалбоева. – У тропик бўлгани боис, намликни севади, лекин илдида сув тўпланиб қолишини асло ёқтирмайди. Агар фақат барг чиқарса-ю, гуллашни хоҳламаса, демак унга ёруғлик етишмаяпти. Оддий сув билан сўғорилса баргларида доғлар

Вафосиз бу жаҳонга ҳар нечук жонлар келиб кетган,
Поёнига етолмай, ақли ҳайронлар келиб кетган,
Саройи кўҳнага соҳил паришонлар келиб кетган,
Сану мандан бурун ҳам қанча инсонлар келиб кетган,
Ўлимга чора топмай неча Луқмонлар келиб кетган.



Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Тўлқин Жабборов ижросида

«КЕЛИБ КЕТГАН» қўшиғи

Вафосиз бу жаҳонга ҳар нечук жонлар келиб кетган,
Поёнига етолмай, ақли ҳайронлар келиб кетган,
Саройи кўҳнага соҳил паришонлар келиб кетган,
Сану мандан бурун ҳам қанча инсонлар келиб кетган,
Ўлимга чора топмай неча Луқмонлар келиб кетган.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2030-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROVI, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqsim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulrubbegim ODASHBOYEVA

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Boshlaga topshirish vaqti – 21:20
Topshirildi – 21:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 004 ta
Shundan: 6 519 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;
19 294 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taбоq. Buyurtma: G-711
1 2 3 4 5 6